

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Нурафшон шаҳрида Санкт-Петербург илмий-тадқиқот лойиҳа институти бош директори, профессор Валерей Мячен ва унинг ўринбосари Владимир Шуляевлардан иборат мутахассислар вилоят ҳокими Зойир Мирзаев билан учрашди.

Ҳамкорлик



Шунингдек, Зойир Мирзаев Чунсин шаҳри Мери Ху Хенхуа билан онлайн музокара олиб борди. Мулоқотда бир қатор масалалар муҳокама қилиниб, келгусида машинасозлик, текстиль ва тўқимачилик соҳасида, энергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, электротехника, туризм, тиббиёт, камбағалликни қисқартириш йўналишларида шерикчилик алоқаларини мустақамлашга келишиб олинди.

ШАҲАРЛАРАРО ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

Жорий йилнинг март ойида Татаристон транспорт вазири делегацияси амалий ташриф билан вилоятимизда бўлган эди. Ташриф доирасида йирик шаҳарларда транспорт тизими фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан вилоят масъуллари билан ҳудудларда ўрганишлар олиб борилиб, Олмалик, Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарларида қулай транспорт тизimini яратиш бўйича Бош режа лойиҳаси ишлаб чиқиш таклифи ўртага ташланган эди.

Учрашувда шу бўйича тайёрланган лойиҳа тақдимоти ўтказилди. Унда йирик чорраҳаларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, алоҳида йўлакли автобуслар ҳаракатини ташкил этиш, кўп ўринли автобуслар қўйиш ва қатнов интервалларини қисқартириш чоралари белгиланган бўлиб, автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

Муҳокамалардан сўнг, вилоят ҳокими аҳоли талабидан келиб чиқиб, янги йўналишлар

очиш, мавжудларини қайта қўриб чиқиш, автобус бекатларини реконструкция қилиш масалаларига ҳам тўхталди. Қишлоқдан шаҳар марказигача ҳамда у ердан вилоят марказигача бўлган транспорт хизматлари қўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш зарурлигини қайд этди.

Томонлар келгусидаги режалар борасида ҳам бир қатор келишувларга эришилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

ОНЛАЙН МУЛОҚОТ


Вилоят раҳбари томонидан Тошкент вилоятида "Чунсин" технопаркин ташкил этиш ҳамда Мис кластерида мисни қайта ишлаш лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш таклиф этилди.

Мулоқот якунида Тошкент вилояти маскур лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканлиги ва хитойлик инвесторлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги билдирилди.

Маълумот ўрнида, 2022 йил сентябрь ойида икки вилоят биродарлашуви тўғрисида Меморандум имзоланган бўлиб, унга асосан транспорт, логистика соҳаларида алоқалар кенгайтирилди.

Чунсин – Тошкент контейнер поездлари қатновининг йўлга қўйилиши шулар жумласидандир.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати



Эътироф

Куни кеча «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» XVII Миллий мукофоти ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

2006 йилдан буён ўтказилиб келинаётган маъруза танлов журналистларнинг машаққатли ва маъсулиятли фаолиятларига муносиб рағбат бўлмоқда. Журналистлар уюшмаси берган маълумотларга кўра, бу йилги танловда 500 дан зиёд ОАВ вакиллари 4 мингга яқин ижодий ишлари билан иштирок этди. Ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан қўриб чиқилди ва энг муносиблари ғолиблар қаторидан жой олди.

ҚАДАМЛАРИ ЁРҚИН — ҚАДАМЛАРИ "ОЛТИН"

Эътиборлиси, босма оммавий ахборот воситалари йўналишида 2-урин вилоятимизда нашр этиладиган "Адабиёт зиёси" газетасига насиб этди.

– Бугунги кунда миллий журналистика халқ билан давлат ўртасида тобора шаффоф кўзгуга айланмоқда, – дейди «Адабиёт зиёси» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Зоҳиджон Холов. – Соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, тахририятларнинг моддий-техника базасини янада яхшилаш, журналистларнинг замонавий ва тезкор форматда ишлаши учун зарур шароитларни яратиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бугунги мукофот жамоамизнинг катта ютуғи. Галдаги вазирамиз ушбу эътирофга муносиб равишда янада қизқарли ва долзарб мавзуларни газетамиз саҳифаларида ёритишдир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими муассислигидаги маъруза нашр адабий-баддий, маънавий-маърифий йўналишида бўлиб, 5 йилдан буён фаолият юритмоқда. Вилоятимизда адабий муҳитни шакллантириш, ёш ижодкорларни катта ёзувчи-шоирлар билан ғойибона учраштириш, шунингдек, шу заминда яшаб, ижод қилган алломаларни халқимизга янада яқинроқ таништириш мақсадида ташкил этилган газета нафақат вилоятимиз, балки республикамиз бўйлаб тарқалиб, муштарийларнинг илиқ фикрларига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир раҳбарлигидаги тахририят жамоасига ижодий парвозлар тилаймиз.

Нозима РАСУЛОВА
Тошкент ҳақиқати/

Хушxabар



БАРАКАЛЛА, РУСЛАН!

Пойтахтда 14 кун давом этган бокс бўйича эркаклар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида вилоятимиз ўғли Руслан Абдуллаев олтин медални қўлга киритди. 4

Этнофестиваль

Кўҳна Оҳангарон туманининг "Ўрғозсой" кенгликларидан анъанавий Илоқ этнофестивали бўлиб ўтди.

Илоқ – Тошкент воҳасининг жанубий қисмидаги ўрта асрларда мавжуд бўлган тарихий маскан. Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган.



"ИЛОҚ": ТАРИХ ва ЗАМОНАВИЙЛИК ЧОРРАҲАСИ

Қурама тоғларининг ғарбий тармоғи, Жанубий Чоқтоқ тоғлари, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари оралиғидаги худудни қамраган. Илк ўрта асрларда мустақил давлатга айланган. Аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик, маъдан қазиб олиш, ҳунармандчилик билан шуғулланган. Урта асрларда Илоқ Шарқда фойдали қазилма конлари билан машҳур бўлган.

Қадимий давлатчилик тарихини авлодларга етказиш, бой маданий меросимиз, урф-одатларимизни асраб-авайлашда Илоқ этнофестивалининг ўз ўрни бор.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

БЕКОБОД ТУМАНИ ҲОКИМИГА ОЧИҚ ХАТ

Хурматли Фуркат Абдисаломович! Бугун Бекобод туманида ҳар бир соҳада катта ўзгаришлар бўляпти. Айниқса, маҳаллалардаги йиллаб ўйғилиб қолган муаммолар ўз ечимини топаётгани, аҳоли дардига қулоқ тутилаётгани бизни мамнун қилмоқда. 2



ТЕЖАМКОРЛИК — БАРАКАНИНГ АСОСИ

Мутахассислар томонидан – ресурслар истеъмоли ҳақми ҳозирги зайдда кетса, 2030 йилга бориб энергетика манбаларининг танқислиги жами эҳтиёжга нисбатан 65,4 фоизни ташкил этиши фарз қилинган. Бу ўз навбатида, углеводород ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Айни шу мақсадда Юртбошимиз ташаббуси билан энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, қайта тикланувчи иссиқлик ва электр энергия манбаларини кенг жорий этиш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш ишларини ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари билан таркиб товланган ишчи гуруҳ зиммасига 16 та йўналиш бўйича аниқ мақсад ва вазифалар қўйилди. Жойларда олиб борилаётган ишларда иқтисодий масалалар юзасидан чалкашликка йўл қўймастик учун манзилли дастурга асосан ҳар бир истеъмолчи кесимида тежаш манбалари кўрсатиб ўтилди. 3

Бугуннинг гапи

Мамлакатимизда аҳоли сони ортиб бораётгани, халқимизнинг турмуши тобора фаровонлашиб, яшаш шароити яхшиланаётгани энергия ресурсларига бўлган талабни кун сайин оширмоқда. Энергиянинг самарали манбаларини топиш, уни ривожлантириш, қолаверса, амалиётга татбиқ этиш, айниқса, бугунги иқтисодий ривожланиш шароитида ғоятда долзарб.



Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи

Айни кунда вилоятимизда 902 мингдан зиёд оила мавжуд бўлиб, уларнинг 174 минг 969 таси ёш оилалар ҳисобланади. Шунингдек, биргаликда 50 йил ва ундан зиёд умргузаронлик қилаётган оилалар 933 тани ташкил этади.

Кўрик-танлов

Юқори Чирчиқ туманидаги Маданият саройида Халқаро оила куну муносабати билан "Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиб-



ларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, кенг жамоатчилик

вакиллари иштирок этди. — Оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш,

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ажримларнинг олдини олиш, намунали

оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш асосий мақсадимиздир, — дейди 1-ўринни олган оила соҳибаси Баҳора Инкарова. — Икки йил аввал 10 нафар болани ўз қарамоғимизга олдик. Уч фарзандим ўн уч нафар бўлди. Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Уларга оила ва оиладаги қадриятларни сингдирганимиз боис, бугун болалар амма, хола, тоға, амакиларга муносабат қай тарзда бўлишини тушуниб етишди. Бир хонадонда 26 киши истиқомат қиламиз. Бу биз учун катта масъулият. Танловда ғолиб бўлганимиздан барчамиз хурсандмиз.

Нигора УРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/ Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат

Маҳалла ҳаётидан

Бугунги кунда маҳалладаги бешлик: раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспекторининг бирдамлиги жойларда яхши самара бермоқда. Биргина мисол, Зангиота туманидаги "Навбахор" маҳалласи фаолларининг биргаликдаги фаолиятлари натижасида ҳудудда ишчилар камайиб, камбағаллик қисқармоқда, пировардида, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, ҳаёти фаровонлашмоқда.

Бирлашган Бешлик

Маҳаллада 3 мингга яқин аҳоли 550 та хонадонда истиқомат қилади. Кимдир давлат ишида, кимдир томорқасида банд, бекор юрган одамни учратмайсиз. Ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси лавозимлари эса маҳаллага янгича нафас олиб кирди. Улар маҳалла раисининг қўшқанотиға айланишди. Айниқса, бу лавозимга маҳаллада яшайдиган, ҳар бир хонадоннинг иссиқ-совуғидан хабардор инсонларнинг тайинланиши яхши натижа берди.

Дастлаб асосий эътибор маҳалланинг ўсиш нуқталари ва имкониятларидан келиб чиқиб, ишсизликни камайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тadbиркорларни кўпайтиришга қаратилди. Натижада, 2022 йилнинг ўзида 58 та янги иш ўрни яратилди, 38 нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилишига эришилди, 5 та тadbиркорлик субъекти ташкил этилди. "Оилавий тadbиркорлик" дастурига ажратилган лимит ўзлаштирилиб, фуқароларнинг имтиёзли кредит асосида тикувчилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланишлари кенг йўл очиб берилди. Шунингдек, "Tornado Crakers" масъулияти жекланган жамияти томонидан 40 нафар фуқаро касаначилик асосида майда уйинчоқлар йиғишга жалб қилинди.


Худуддаги фермер хўжаликларининг ғалладан бўшаган ер майдонларида тақрорий экин етиштириш мақсадида деҳқончилик қилиш истагида бўлган 55 нафар фуқарога "E - aukson" электрон савдо платформаси орқали 15 сотихдан 10 йилга ижара асосида ер ажратиб берилди. Маҳмуд-Ҳужа Сатторов ана шу имкониятдан унумли фойдаланганлардан.

У 13 йилдан бери хонадондаги 5 сотих майдонда атиргул етиштириш билан шуғулланади. Ёш ишбилармон ердан самарали фойдаланиш мақсадида иссиқхона четлари лимон кўчати эккан. Атиргул ораларида эса



помидор етилиб турибди. — Аукционда 70 сотих ер ютиб олдик, — дейди М. Сатторов. — У ерга атиргулнинг "Қора шаҳзода" навини эдик. Атиргуллар майнинг охирига бориб етилади. Айни "Сўнги кўнгироқ" вақтида бозорга чиқарамиз. Атиргулнинг бир афзал жиҳати бор, совуқ қаттиқ бўлса ҳам кўчатни йўқотмайсиз. Совуқ урган қисмини олиб ташласангиз, тағидан яна қўқариб чиқаверди. Қолаверса, бу турдаги гул харидоргир, яхшигина даромад қилса бўлади.

Маҳаллада очилган ёғоч-а ишлов бериш цехи ҳам бугунги кунда шу хунарга қи-



зиқан ёшлар билан гавжум. Хунармандлар уюшмаси аъзоси Аҳмадjon Расулов раҳбарлигидаги устaxonада 15 нафар ёш ишлаган. Турли ёғочлардан ишланган зина ва унинг қўғирчоқлари тбора харидоргир бўлиб бормоқда. Бу хунарни ўрганган ёшлар келажакда бемалол бир рўзгорни тебратта олишади. Хунарманд цехни кенгайтириб, ишчилар сонини кўпайтирмоқчи.

Маҳалладаги аҳоли томорқачилик тартиби, кўчалар обод, боғлар қаралган, дарaxтлар оқланган, ҳаммаёқ саранжом-саришта. Эътиборимизни, маҳалла идораси олдида қурилаётган кўп қаватли уйлар тортди. Сўраб билсак, маскур тураржой маҳалладаги эҳтирмад аҳоли учун қурилаётган экан. Аҳамиятлиси, шу уйлاردан 5 таси тумандаги тураржойга муҳтож ёғғиз аёлларга берилибди.

Бу каби хайрли ташаббуслар кенг қўлоч ёймоқда.

Нозима АРСЛОНОВА /Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

Тараддуд



"СўНГИ КўНГИРОҚ" ҚАНДАЙ ўТАДИ?

Мақтабга ва мақтаб таълими вазирилик "Сўнги кўнгироқ" тadbирларини ўтказиш бўйича тавсияларини эълон қилди.

Унга кўра: — "Сўнги кўнгироқ" тadbирлари 25 май куну соат 8:00 дан 9:00 га қадар «Илми қадранг, илмга интилинг!» шиори остида ташкил этилади;

— тadbирга фақат 1-, 4-, 9-, 11-синф ўқувчилари жалб этилади; — мақтаб ҳудудига техника воситалари ва бегона шахслар киритилмайди (ота-оналар ва хўқўчи муҳофаза қилиш идоралари вакиллари бундан мустасно);

— "Сўнги кўнгироқ" тadbирларини, назорат имтиҳонлари ва яқиний давлат аттестацияларини ўтказишда, таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш борасида ўқувчи ва битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналаридан турли пул йиғимларига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда ўқувчиларга битирувчилар томонидан турли қимматбахо совғалар тақдим этиш, қўшима турли тантанали тadbирлар (хонадонлар, ресторан ёки қаҳвахоналарда банкет ёки бошқа маросимлар) ўтказиш ва ёнғил автомашиналарда сайр ташкил этишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мақтаб ўқувчиларини касбга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш халқ таълими тизими олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Таълим

Давлатимиз раҳбари айни пайтда мақтаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётганини кўниб таъкидлаган эди.

Ижодий жамоамиз билан мақтабларда ўқувчиларни касбга йўналтириш қай даражада бораётгани билан танишиш мақсадида Тошкент туманининг Авлиё ота маҳалласидаги 22-умумий

бўйича йирик "Transition group" IT компаниясига ишга кирди ва хозирда ойига 2 минг АҚШ доллари миқдорига маош оляпти.

— Компаниянинг "Front end" йўналиши дастурчиси, — дейди Акбарали. — Яъни, веб-сайтнинг фойдаланувчига кўринадиган қисмини тайёрлайман. Масалан, сиз веб-сайтта кўрадиган



МАҚТАБ ўқувчиси ИККИ МИНГ ДОЛЛАР МАОШ ОЛАДИ

ўрта таълим мақтабида бўлди.

Яқинда капитал таъмирдан чиқарилган мақтабда 656 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Раҳбариятнинг айтишича, мақтабнинг аввалги биноси маънан эскирганлиги сабабли таълим бериш анча ноқулайликлари юзга келтирар экан. Эндиликда ўқувчилар барча шароитларга эга, замонавий жиҳозланган хоналарда таълим олишмоқда.

Мақтабда касбга йўналтириш бўйича 50 дан ортқ тўғарак фаолияти йўлга қўйилган. Тўғаракларни ташкил этишда ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари инобатга олингани, психолог билан суҳбатлар йўлга қўйилгани дастлабки натижаларни берибди.

Мақтаб жамоаси, айниқса, 10-синф ўқувчиси Акбарали Абдувоитовнинг ютуқларидан хурсанд. Акбаралининг компьютерда ишлашга бўлган қизиқшини пайкаган устозлари уни дастурлаш йўналишидаги тўғаракка жалб қилишди. Қолаверса, ўқув курсларига қатнади. Аввалига отаси ўғлининг бу соҳадан кетишига қарши бўлди. Аммо устозлари отаси билан суҳбатлашиб, унга уйда ҳам шуғулланиши учун шароит яратиб беришга кўндиришди. Бу саъй-ҳаракатлар тез орада натижа бериб, Акбарали Россиядаги дастурлаш



оддийгина тугма учун дастурловчи код ёзади. Бунинг учун кунига 5-6 соат сарфлайман. Албатта, дарсдан ташқари вақтда. Хозирда 3 нафар шогирдим бор. Келгусида шу йўналишда ўқув маркази очилиши ниятидаман.

Мақтабда Акбарали каби иқтидорли ўқувчилар кўп экан. Масалан, 11-синф ўқувчиси Умархон Рустамов IELTS сертификатини қўлга киритди ва Америкадаги бир неча нуфузли университетларга имтиҳон топириб, мuddатидан олдин талаба бўлди ҳамда 92 минг доллар миқдорига грант ютиб олди. Умархон билан суҳбатлашганимизда университетлардан бирини танлашини ва сунъий интеллект ҳамда компьютер технологиялари йўналишида ўқиш нияти борлигини айтди.

Акмал Илҳомжонов ва Шаҳзода

Томорқачилик

Янгийўл туманининг "Нибёзбош" массиви аҳолиси томорқачиликда катта тажрибага эга. Кўкат етиштиришда ном чиқарган бу ҳудудда 9 та маҳалла бор. Маҳаллий аҳоли томорқасидаги бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмайди. Кўп йиллик тажриба ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, томорқачилар кашнич, шивит сингари кўкатлар ҳамда пиёз етиштирилади. Йил давомида мавсумга мос турли экинлар алмашлаб экилади.

Худуднинг "Фаровон" маҳалласида ҳам томорқачиликдан рўзгор тебратиб, ортанидан орзу-хавас кўраётганлар кўплаб топилди.

— Маҳалламизда 4 минг 124 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Жаҳонгир Абдуқайюмов. — Аҳолининг асосий даромади томорқачиликдан. Йиғинимизда 635 та хонадон бўлса, шундан 617 тасида иссиқхона бор. Йилнинг тўрт фаслида узлуксиз етиштирилган кўкатлар нафақат кўшни давлатларга, Россия ҳамда Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилинади. Худудимиздаги йирик сифига эга музлаткичларда ойига 100 тоннагача кўкат сақланади.

Маҳаллада тажрибали томорқачилар Шермухаммад Кўчқоров, Олимжон Ҳалимов, Олимжон Кўчқоралиев, Дилшод Маҳкамов, Зебунисо Рихсибоевалар ёшларга ўз тажрибаларини ўргатиб келишмоқда.

"НИЁЗБОШ"ДА ҲАМИША БАҲОР



— Бу хонадонга келин бўлиб тушганимга 30 йилдан ошди, — дейди Шаҳно Йўлчиёва. — Шу йиллар ораларида рўзгоримизнинг ками бўлмади. Сабаби, томорқадан унумли фойдаланишни ўргандим. 15 йилдирки, кўк пиёз етиштираримиз. Бу йил 5 сотих майдонга уруғ қадаган эдик. 20 кунда етилган маҳсулотни бозорга чиқариб, нақд 30 миллион сўм даромад олдик. Ҳозир райхон кўчатларини етиштиряпмиз. Тез орада уларни ҳам сотишга чиқарамиз.



Олимжон ота Салимов хонадонига кирган одамнинг димоғига гуллар ифори урилади. Томорқаддаги 3 сотих иссиқхонада турфа гуллар етиштирилади.

— Бу йил қиш совуқ келди, — дейди отахон. — Бироқ яхши парваришлаганимиз боис гулларимиз омон қолди. Уч сотих майдонда 20-25 минг донга кўчат етиштираримиз. Харидорлар кўчатларини ҳар йили янги новдалари орқали янгилашини айтиди.

Нигора ЭРКИНБОВА /Муаллиф олган суратлар

БЕКОВА ТУМАНИ ҲОКИМИГА ОЧИҚ ХАТ

Йўллар таъмирланяпти, тоза ичимлик суви қувурлари тортиляпти, симёғочлар янги-ляняпти.

Бироқ, негадир, биз истиқомат қилаётган "Пастки Крети" маҳалласига эътибор сусайгандек, гўё. Худудимиз салкам Сидрарё ўзанида жойлашган бўлиб, аҳоли ҳам тигиз яшайди.

Хабарингиз бўлса керак, маҳалламизда ўтган асрнинг 85-йилларида болалар бочаси учун бино қурилган. Нима бўлди-ю, қурилиш якунига етмади. Урнатилган эшик-роллари эса қаровсизлик оқибатида талон-торож қилинди.

Мазкур иншоотни аукцион орқали туманимиздаги бир ишбилармонга ўтгани ҳақида эшитгандик. Мана, неча йилдирки, на тadbиркордан, на у ердagi ўзгаришдан дарак бор. Афсуски,

бир вақтлар давлат бюджетидан мўмайгина маблағ эвазига не-не умидлар билан қурилган бино бугун кимсасиз, овлоқ жойга айланган. Атрофида чикинди уюми-ю, ундан таралаётган бадбўй хидга чидаб бўлмайди. Бу ҳақида тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик. Аммо қоп-қоп ваъда, "есть", "бажарамиз" деган қуруқ гапдан бошқасини кўрмадик.

Тўғри, бу йиғилиб қолган чикиндилар бегонаники эмас, ўзимизники. Ҳозир айтилган муаммоларнинг ечми бино тезроқ таъмирланиб, ишга туширилишида, назаримда. Агар бу маскан тезроқ фаолиятини бошласа, қанча жажжи қорақўларимиз тарбияланаётган, яна қанча ёшлар ишли бўларди.

Сиздан амалий кўмак сўраб, маҳалла нурунийлари номидан **Муҳаммади ТУРОНОВ**

(Давоми. Бошланғич 1-сaxифада)

ТЕЖАМКОРЛИК – бараканинг асоси

Ишчи гуруҳ аъзолари Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда белгиланган режаларнинг ижроси бўйича ҳисобот бериб боришади. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўтган ҳафтада бўлган сессиясида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Музаффар Файзиевнинг ушбу масала юзасидан ҳисоботи тинланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида соҳада қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, энергоресурслар таъминоти ҳамда истеъмолчилар тўлиқ хатловдан ўтказилди. Ишчи гуруҳлар томонидан электр-энергия ва табиий газнинг вилоят ҳудудига киришидан бошлаб, охириги истеъмолчининг хонадонига бўлган ҳар бир тармоқ, трансформатор, газ тақсимлаш пунктларининг бугунги кундаги ҳолати ўрганиб чиқилиб, ҳисоб-китоб қилинди.

Ҳозирги кунда вилоят бўйича электр-энергия соҳасида жами 768,4 мингта, табиий газда жами 655,1 мингта истеъмолчи фаолият юргизилди.

Вилоятимизда 2023 йилда 9 млрд. 391 млн. кв.соат электр-энергияси ва 6 млрд. 110 млн. куб.м. табиий газ истеъмол қилиниши кўзда тутилган. Шунингдек, шу йилнинг ўзига 1878,1 млн.квт. соат электр энергияси ва 610,3 млн. куб.м. табиий газ тежалиши ҳисоб-китоб қилинди ва ҳудудлар кесимида ойма-ой режа адалди ишлаб чиқилди.

Бунинг натижасида эса умумий электр-энергия истеъмолининг 20 фоизи, табиий газ истеъмолининг

эса қарийб 10 фоизи иқтисод қилинишига эришилади. Хатлов натижасида мавжуд таъмирталаб электр тармоқлари, трансформатор подстанцияларини сошлаш, технологик йўқотишларни тўлиқ бартараф этиш режалаштириб олинган.

Хусусан, вилоят бўйича 6 930 км. электр тармоқлари жорий таъмирланиши, 3 460 км. тармоқлар мукамал таъмирланиши, 2 112 та трансформатор

гишли компанияси томонидан Оҳангарон туманининг 1,8 минг гектар ер майдонида 1 000 МВт. қувватлик фотозлектр станцияси қурилиши бошланди. Лойиҳа қиймати 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этади (туғридан-туғри хорижий инвестиция). Лойиҳа доирасида йилига 1 800 млн. кВт. электр энергия ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, Юқори Чирчиқ туманида Саудия Ара-



пунктларини мукамал сошлаш белгилаб олинди.

Жорий йилда 34,02 км. газ тармоқлари, 15 та газ тақсимлаш пунктларини мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, истеъмолчиларга тақсимотни 2 босқичга ўтказиш, 299 та ГРП-ларини демонтаж қилиш, 19,3 мингта ностандарт газ жиҳозларини алмаштириш ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида 808 млн. сўм маблағ тежалди.

Худудимизда қуёшли кунлар кўп бўлишини инобатга олиб, электр энергиясидан самарали фойдаланиш, яъни қуёш панеллари ва геликколлекторлар ўрнатилган алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда умумий қуввати 2 400 МВт. бўлган 4 та қуёш фотозлектр станцияларини қуриш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Хитой Халқ Республикасининг те-

бистонининг "Acwa Power" компанияси билан ҳамкорликда қуввати 400 МВт. бўлган қуёш фотозлектр станцияси барпо этилмоқда.

Аҳоли истеъмолчилари ва 54,2 минг литр геликколлекторлар ўрнатилган орқали 23 млн. 200 минг кВт.соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Вилоятдаги кўча ёритиш чирокларининг 50 фоизи жорий йил якунига қадар, қолган 50 фоизи 2024 йил 1 июнга қадар қуёш панелларида ишловчи ёритиш қурилмаларига алмаштирилади.

Жорий йилда вилоят ҳудудида жами 81,4 МВт. қуёш панеллари ўрнатилиши режалаштирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, катта ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш мумкин. Лекин кенг жамоалик бу жараёнга жалб қилинмасан кўнгалдаги натижага эришиб бўлмайди. Айниқса, қорхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш туридан қатъи назар электр ва газдан фойдаланишда тежамкорликка алоҳида эътибор бериши, маҳаллий кенгашлар депутатлари тарғибот-ташвиқот борасида фаоллик кўрсатишлари лозим.


И. НЕЪМАТИЛЛАЕВ,
журналист

Ушбу мақолани ёзишга кўп гаплар туртки бўлган эса-да, уларнинг оқибат натижаси битта ва бун ҳулоса қисмида айта қолармиз.

Атоқли адиб А.И.Солженицыннинг "Раковий корпус" романида гайритабиий воқеа баён қилинади. Катта бир шаҳарнинг шифохонасида, саратонга чалинганлар бўлинмасида операцияни кутаётганлар дақиқа санаганча вақт ўтказдилар. Бундай олганда, уларнинг асфалософилинга равона бўлмаслик имконияти деярли қолмаган. Мия операциясидан чиққандан кейин, тирик қолганларнинг тўлақонли ҳаётга қайтиши ҳам катта муаммо бўлиб, асосан модда алмашиши объектига айланиб қолишлари аниқ, муомала-мулоҳаза қилиш қобилиятларининг йўқолиши ундан ҳам аниқроқ. Бу ерга

"Умирать так с музыкой!" деганларидек, яширинча арақ олиб келишади ва ялдо кечасидай узун тунларда улфати чорлик қилишади.

Улардан олинаётган тахлиллар натижаси тобора кўрқинчли тус ола бошлади. Шунда дин ахлидан бўлгани нариги дунёга тавба қилиб кетса яхши бўлишини айтиб, ўзи ташаббус кўрсатиб, қилган номаъқулчилигини сўзлаб, тавба қилади. "Авлиё ота"нинг фатвосидан илҳомланган коммунистлар ҳам бошқа кунги улфатчиликларда ўз кирдорларини аста-секин тўкиб ташлашади ва тавбалар қилганча



ғори эди. Бундан етмиш йиллар бурун у ҳасталик ана шундай дахшатли эди, ҳозир саратонга чалиниш унчалар кўрқинчли бўлмай қолди.

"Ўлганга осон, қолганга қийин" деган гапга қарши "Тириклар бир иложи қилиб кунини кўради, ўлганга қийин" жумласини келтиришади. Умуман уятни, номусни икки тоифага бўлиш мумкинми?

Ота-онасидан тиригиде хабар олмаган, бир бурда нонни миннат билан берган фарзандлар улар ўлганда қозон-қозон таом тарқатишади, эҳсонлар қилишади, қабрларига дабдабали мармартошлар ўрнатишади.

Расулulloҳ (с.а.в) издошлари бўлган саҳобалар, кейин тобеинлар иложи борича раҳнамоларига ҳар жиҳатдан яқин бўлишни истардилар:

Одамийлик шеvasи

ЮЗ АНДИШАСИ УНИ КИМ, ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

оддий хасталар тушиши эҳтимоли жуда кам бўлиб, улар асосан шўро тизимига хизмати синган, ва айтиш мумкинки, КГБ соҳаси билан яқин алоқада бўлганлардан иборат эдилар. Уларни хоналарга жойлаштиришда ҳам ана шу иерархияга амал қилишарди. Мана шу тахлит, жуда яхши жиҳозланган бир палатага ёзувчи, олим, давлат арбоби ва дин ахлидан бўлган хасталар тўпланиб қолишади. Черков давлатдан ажратилганига қарамай, коммунистлар ва тақводорнинг организми бир хил касаллик билан оғриши бор гап, ажал ҳам бу борада танлаб ўтирмайди. Албатта, улар махсус хизматлар агентлари эканини ҳатто бир-бирларидан ҳам яшириб, бу жойга фақатгина ланъати саратон туфайли тушганларидан бошқа гапни тилга олишмайди. Ким билади, ноўрин айтиб қўйган гапи эртасигаёқ керакли жойга етиб бориши ва ажалдан беш кун бурун ўлиб қолишлари ҳам мумкин. Аммо, уларнинг бир қуллоғи операция ўтказилаётган корпусдан чиқаётганларнинг қанчаси тирик қолгани ва қай даражада тирик қолгани ҳақидаги гапларда бўлади. Улиб кетган ва мажруҳ бўлиб қолгани танийдиганлар бўлса, уларнинг кирдикорларини бир-бирига сўзлаб беришаркан "итга ит ўлими"га ўхшаш гапларни ҳам айтиб юборишади ва бундан баттар кўрқувга тушадилар. Уларни мана шу кўрқув бирлаштиради. Гарчи ичкилик ичиш қаттиқ тақиқланганига қарамай,

катта таваккалчиликка қўл урадилар. Мана шу ҳолда, улар ўлимини бўйнига олиб бирин-кетин операцияга киришади ва тўрт-таласи ҳам ундан жуда яхши ҳолатда чиқади. Бу, албатта, мўъжиза эди. Аммо, энди уларнинг олдида бошқа муаммо пайдо бўлади. Ахир улар тавба қилгандилар ва энг ёмони, айрим қалтис сирларини очиб қўйишганди...

Бунда ҳам "авлиё ота" ташаббус кўрсатиб, операциядан олдин айтган барча гаплари "шайтон суви"нинг таъсирида ўз-ўзига тўхматлигини айтиб, қасам ичишга тушади. Қолган коммунистлар ҳам аввал берган кўрсатмаларидан тонадилар. Улар катта ҳаётга ҳам гуноҳларидан тозаланиб, ҳам яна янги гуноҳлар қилиш учун чиқиб кетишаркан, азбаройи бир-бирлари билан учрашиб қолмасликни кўзлаганча, манзилларини ҳам алмашишмайди.

Албатта, бу романи ўқиганимга ўттиз йилдан ошди ва унинг фабуласини жуда қисқартириб ташлаганим туфайли асарнинг асл жозибасидан асар ҳам қолмаган бўлиши мумкин. Айрим жўлиларида англиш кетган бўлишини ҳам мумкин, аммо оқибат-натижаси мана шу ҳолда тугайди.

Умуман, адабиётда бундай "ғор биродарлари" сюжетлари унча-мунча учраб туради. Ўз айбларини айтиш орқали, қамалиб қолган ғорлари оғзидан тош сурилиб озоликка чиқиш ҳолатлари каби... "Саратон корпуси" қаҳрамонлари тушиб қолган ғор – дарди бедаво ҳисобланган саратон – ночорлик

Шоира Гуландан Тоғаеванинг ҳам "Жинкамар асирлари" номли каттагина ҳикояси бор эди ва каминлари уни тахрирлаб, ўзим муҳаррирлик қилган "Тилсим" газетасининг икки сонида давомли тарзда жойлаштиргандим.

Қиссадан ҳисса нима? Жамиятда уят фақат тириклар учунгина эканда?

Шоир Евгений Евтушенконинг "Виждон азоблари" деган шеъри бор:

*Ўлишни ўйламай
Яшамокдамиз,
Уят эсимиздан чиқар
шу ваддан...*

Демак, уят икки хил бўлар экан: тириклар олдидаги уят ва ўлим олдидаги, яъни ўлгандан кейинги Яратган олдидаги уят. Қайси бири муҳимроқ?

исрофдан, бойликдан, дабдабали ҳаётдан, манманликдан уялишарди. Ҳозир эса...

Расулulloҳ (с.а.в) мўминлар бир-бирларининг дилини оғритмаслиги ҳақида сўзлайди. Аммо, кишилар яхши таниганлари тугул, умрларида кўрмаган-билмаган кишиларига ижтимоий тармоқлар орқали бўҳтонлар уюштиришади, ҳақоратлар ёдиришади. Уят қани?

Бундай муносабатни воқеликда икки нотаниш одам орасида тасавуур қилиб бўладими? "Ўзи йўқнинг юзи йўқ". Виртуал жамиятда ана шу "юз андишаси" тобора йўқолиб бормоқда. Ўзидан хабари йўқ айрим кимсалар бирор айби очилиб қолган "тармоқдош биродари"га маломатлар отишга тушади.

*Ҳасад нечун, ҳавасли бир жойи бўлмаганлар,
Бизлар лой кечган маҳалда лойи бўлмаганлар.*

*Оқмасдан қолмас сира бир пайт оққан дарёлар,
Сувели туеул санзор бир сойи бўлмаганлар.*

*Ўзи дуоталаблар дуосини қилар пеш,
Бошқаларга бир эзеу дуойи бўлмаганлар.*

*Каслар кўрдим қўлида таъна тошин муштлаган:
Таъна қилсин заррача гунойи бўлмаганлар.*

*Виждон азоби оғир танга ниш болганидан,
На билсин виждони ҳеч сазойи бўлмаганлар.*

*Аллоҳ бир деб, аслида нафсига қул ўтган кўп,
Молу обрўдан бўлак худойи бўлмаганлар.*

*Ажаб дунё экан бу – муҳаббатдан лоф урар
Ишқ қўйининг бир бора гадоий бўлмаганлар.*

*Тилни тийдик таънадан, сизники бўлсин минбар,
Одобу андишадан чиройи бўлмаганлар.*

*Умр бўйи кир излаб ўтаёт тирноқ остидан,
Рўзи азал тоза қалб атоий бўлмаганлар.*

*Ит ҳура – қарвон ўтар, парво қилма, Оллоёр,
Олга юрар итлареа парвойи бўлмаганлар.*

Бу шахсий фикр-мулоҳазаларим, албатта. Хулоса чиқариш эса ўзингиздан.

Оллоёр ХУЖАНДИЙ

Мутахассис минбари

Соғлиқ ҳақида гап кетганда, энг аввало, биз табиат, хусусан, тупроқ, сув, ҳавонинг инсон ҳаёти ва саломатлигини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини чуқур англашимиз лозим. Чунки тупроқда ўсиб етилган озиқ-овқатларни истеъмол қиламиз, сув билан чанқоғимизни қондирамиз, ҳаводан нафас оламиз. Шу боис уларни турли чиқиндилар билан ифлосланишдан сақлашимиз керак. Акс ҳолда, бу турли касалликларни чақириши мумкин.

МУСАФФОЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, кўпгина касалликларнинг келиб чиқиши бевосита сув билан боғлиқ. Сув орқали бир қанча юқумли ичак хасталиклари, жумладан, ичбуруғ, ич терлама, гепатит, вабо, энтеритлар каби касалликлар юқиши мумкин.

Аҳоли яшаш жойларидаги сув таъминотининг тегишли санитария-гигиена талабларига жавоб бериши катта аҳамиятга

эга. Сув манбаларини ҳожат ва чиқиндилардан эҳтиёт қилиш, фақат қайнатилган сув ичишга одатланиш юқумли касалликларнинг олдини олувчи энг асосий тадбирлардан биридир.

Кундалик турмушда ҳосил бўладиган чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва зарарсизлантириш борасида изчил ишлар олиб борилмаса улар ҳафта, ой ва йиллар давомида тўпланиб, инсонлар соғлигига жиддий хавф етказиши, атмосфера ҳавосини

ифлослантирувчи манбаларга айланади. Ҳавони асосан икки манба ифлослантиради: биринчиси – табиий, иккинчиси инсон фаолиятининг махсус ифлосланувчи антропоген омилларидир. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи табиий омилларга вулконларнинг отилиб чиқиши, тоғ жинсларининг емирилиб, шамол воситасида тўзиши, ўрмонларга ўт кетиб, ундан пайдо бўладиган зарраларнинг атроф-муҳитга ёйилиши каби



табиий офатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Саноат ниҳоятда ривожланган катта шаҳарлар ва марказларда чанг, тўтун, курум ва туманлар баъзи вақтларда осмонни қоплаб туради. Бу ҳолат қуёшни тўсиб қўйиб, ер юзига ультрабинафша нурларининг ўтишига йўл бермайди. Ультрабинафша нурларининг ер юзига етарли миқдорда тушмаслиги эса турли касалликлар, айниқса, болаларда рахитни келтириб чиқаради. Ҳавонинг доимо тўтун, туман билан қопланиши кишиларнинг асабига, беморларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатади.

Тоза ҳаво – танга даво. Тоза ҳаво ҳисобига танга қон тозаланади, тери эркин нафас олади. Соф ҳаво қуёш нуруни ўзига сақлаб қолади, у ерга

намлик беради. Тоза ҳаво моддалар алмашинуви, танамиздаги иссиқлик ҳамда физиологик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, экологик тарбия ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисмидир. Ёшлар онгига экологик маданиятни синдириш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз. Зеро, инсоннинг тоза ҳаво ва табиат кучоғига бўлиши уни руҳан тетиклаштириб, меҳнат қобилияти ва иқидий фаолиятини оширади, саломат бўлишига замин яратлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир инсоннинг соғлом ва узоқ умр кўриши, аввало, ташқи муҳит, табиатнинг соғлом бўлишига боғлиқ. Она табиатни нечоғлиқ асраб-авайласак, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлсак, у ҳам биздан ўз инъомларини дарҳам тутмайди.

Юсуф ПИРМАТОВ,
Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази вилоят филиали мутахассиси

101 огоҳлантиради

ҚУРИЛИШ – БЕПАРВОЛИК МАЙДОНИ ЭМАС

Афсуски, сўнгги вақтларда қурилиш давом этаётган бино ва иншоотларда ёнгинлар кўпаймоқда.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш қурилиш-монтаж ишларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали таъминланади.

Аввало, барча ишчи-ходимлар техника қоидаларига риоя қилган ҳолда махсус кийим-бош билан таъминланиши, қурилиш майдонларида пайвандлаш ишларини махсус гувоҳномага эга бўлган ишчилар олиб бориши зарур. Қурилиш майдонларини ёнгинга қарши қалқон ҳамда бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминлаш, нозон ҳолдаги электр тармоқларидан, ишчилар хонасида ностандарт электр иситиш

мосламаларидан фойдаланмаслик, газ солинган баллонлар сони 50 дан ортқ бўлмаган ҳолда махсус омборхонада ёки қуёш нури тик тушмайдиган бостирма остида сақланиши керак.

Таъкидлаш жоизки, қурилишда ишловчи ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис ёки мутахассис тегишли талабларни пухта ўзлаштириши, қурилиш жараёнида ёнгинларга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан йўриқнома билан таъминланиши лозим.

М. ҚУЛДАШОВ,
Мирзо Улугбек тумани ФВБ инспектори майор

